

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 21 декабрь, № 244 (5159) • Сешанба



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 21 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 8, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **49²-модда** билан тўлдирилсин:

«49²-модда. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини маъмурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги

Иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **255-модда:**
биринчи қисми «49» рақамидан кейин «49²» рақами билан тўлдирилсин;
иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун, шунингдек иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги учун — меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 декабрь
№ УРҚ—268

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, парламент қўйи палатаси депутатларининг ўз сайлов округларидан сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.
Қизғин кечган мулоқотларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, парламент фаолиятига дахлдор масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

МУЛОҚОТ, МУШОҲАДА ВА ФАОЛЛИК

Депутатлар билан сайловчиларнинг учрашувлари самимий руҳда ўтди.

71-Жарқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Раъно Гаимова сайловчилар билан ўтказган учрашувида Президентимизнинг шу йил 12 ноябрь кўни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмундаги маърузасида белгиланган баъридан устувор йўналишлар ҳақида гапириб берди. Депутат ўз сўзида мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида юртимизда кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Юртобшамизнинг давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда

давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламент фаолиятини янада мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодийни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.
Маълумки, жамиятдаги ҳар бир шахснинг яшаш ва фикрлаш тарзи, унинг ҳаётдаги ўрни, бурч ҳамда масъулияти, қарашлари, интилишлари табиий равишда ижтимоий аҳамият касб этиб боради. Давлатимиз раҳбари томонидан тақлиф этилган қонунларда эса ижтимоий адолат ва ҳимоя тамойил-

лари бўла-тўхис қамраб олинган. Ўзи навбатиде, депутат «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг иштирокчилари режаларни хусусида таҳлил қилиш, иқорида қайд этилган вазифалар ҳамда унинг ижроси ҳақидаги суҳбатимизда жонли кечди. Чунки мамлакатимизда шонли манфаатлари, уларнинг порлоқ келажак ҳуқуқий жиҳатдан қамролланган. Мазкур йўналишда амалга оширилган кенг миқёсдаги тадбирлар самарасини эса ҳаётда аниқ-равшан кўриб турибмиз. Бу борада Наманган туманида ҳам ишлар изчил амалга оширилди. Биргина мисол. Ёшлар бандлиги доирасидаги амалий тадбирлар кичик бизнес соҳасининг ўзиде мингга яқин иш ўринлари яратилди. Бунда, айтиш жоизки, биз каби кўлаб йигит-қизларга ўз иқтидорини, тажриба ва маҳорати, гайратини намойиш қилиш имконияти юзага келди. Жумладан, яқинда иш бошлаган «Тошбулок текс» кўшма корхонасида меҳнат қилаётган 70 нафардан зиёд йигит-қиз томони-

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ҳозирги кескин рақобат шароитида иқтисодий тармоқларига инновацион лойиҳаларни изчил қўллаш, замонавий технологик линияларни жалб этиш, қисқача айтганда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш муваффақиятларнинг гарови ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда саноат корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ислохот
Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойида ушбу йўналишларга доир 156 та йирик лойиҳа рўйбога чиқарилиши натижасида қўлаб янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди, ишлаб чиқариш суръати ва сифати кескин яхшиланди.
Тизимда амалга оширилаётган бу каби ислохотлар чекка ҳудудларда ҳам саноатни ривожлантириш, янги иш жойларини очиб аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир. Оролбўйидаги «Тўртқўл — Асака текстиль» масъулият чекланган жамияти ҳаётидаги туб ўзгаришлар бунга мисол бўла олади. Гап шундаки, бу ерда ишлаб чиқаришни янгилаш мақсадида олиб борилаётган модернизациялаш тадбирлари доирасида трикотаж ва тикувчилик цехлари қайта реконструкция қилиниб, замонавий технологик линиялар билан жиҳозланди. Натижада юқори сифатли ва рақобатбардор маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилди.



СУРАТДА: корхонанинг моҳир тикувчиси Санамжон Рўзимбетова. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» ва «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармалари ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг грантлар лойиҳалари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Яқинлашиб келаётган бир қатор лойиҳаларни, грант-дастурларни изчилик билан амалга ошириб келмоқда. «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун грантлар», «Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш учун грантлар» дастурлари ана шундай

лоийҳалар сирасидандир. Ушбу дастурлар орқали хотин-қизларга меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фер-

дастурида 30 нафар ишбилармон аёлга бир миллион сўмлик грантлар топширилди. «Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш учун грантлар» дастурида эса деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, озик-овқат, тўқимачилик, ишлаб чиқариш соҳасидаги ташаббуслари учун 20 нафар ғолиб 1,5 миллион сўм миқдоридеги пул муқофотини қўлга киритди.
«Худудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятига эга лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш грант дастури» жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича тақлиф ва ташаббусларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жорий йилда лойиҳа доирасида махсус Экспертлар кенгаши умумий қиймати 83 миллион сўмга тенг 42 та лойиҳани танлаб олди.

Танлов
— Парламентдаги вақилимиз билан учрашувда бир қатор ҳаётини масалаларда сўз юритилди. — дейди Тошбулок шаҳрашида яшовчи Баҳодир Абдуллаев. — Айниқса, депутат билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида қўзда тутилган

дан тайёрланаётган қалава ип ҳозир экспорт қилинапти. Умуман олганда, туман бўйича 4,5 мингга яқин иш ўрни яратилиб, уларнинг асосий қисмига тенгдошларим жалб этилгани қувонарлиқдир.
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Барчиноий Машарипованин Хоразм вилоятида сайловчилар билан ўтказган мулоқоти жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида бўлди.

Эътироф этилганидек, хоразмликлар ўзларининг самарали меҳнатлари билан мамлакатимиз тарраққетишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар ортимида рўй бераётган янгилашнилар, ўзгаришлар, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон ва қарорлар уларнинг ҳаётига, турмушига, келажакка дахлдор эканини яхши билишади.
Ўз навбатида, депутат давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи-мажлисидаги нуқти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил

ПАРКЕНТЛИК ТАДБИРКОРЛАР

тинимсиз изланишлар туфайли қувончли натижаларга эришмоқдалар

Дилшоджон Паркентнинг буз йигитларидан. Тўй-тўйчиқларда, ҳосил байрамларида кураш тушиб, елкаси ерга тегмаган полвон. У Бўрсилқий қишлоғининг хурматли кайвонларидан Ибой ота билан Ҳафиза она хонадониде дунёга келди. Ибой ота Паркентнинг милашкор боғбон-соҳибкорларидан. У киши етиштирган хусайни, тоифи сингари асал тотини берадиган, қарсилган узумларнинг нафақат Паркентда, балки Тошкентда ҳам таърифи кетган. Ибой ота боғбонлик билан бирга, ҳар доим эшигини қордиқ дон бир-икки

қўлимдан иш бериш, уч-тўрт бош новвос, ўттиз-қирқ бош кўй-эчкини узаман, «болаларнинг озига сут-қатик тегиб турса, илги тўқ, соғлом бўлади», деган ақидега бир умр амал қилиб келган соҳиб хонадонлардан.
Дилшоджон ҳам ана шу катта оилада ака-укалари каби болагидевоқ меҳнатга қайишиб ўсди. Ҳарбий хизматни тамомлаб келгач, отаси қатига кирди.
У бундан тўққиз йил муқаддам фермер ҳўжалигини ташкил қилган эди. Атиги 25 гектар майдонда ўз фаолиятини бошлаган «Раҳимжон» фермер ҳўжалигининг бугун 300 гектардан зиёд ери бор. Мустақиллик берган улкан имкониятлардан фойдаланиб астойдил меҳнат қилган жамоа шу тўққиз йил ичида қўлини қавққа узатса етадиган бақувват ҳўжаликка айланди.
Дилшод Абдуллаев топган даромадидан ўз қишлоғи ёшлари учун замонавий спорт мажмуаси қуришга қарор қилди. Мана, ўша иншоот: қир-адирлар орасида, Истикбол қишлоғида алоҳида кўрк-чирой бағишлаб, ярқабди, ярқабди турдирибди. Мажмуани қўздан кенчиримиз. Бир эмас, катта-кичик учта спорт зами. Ёпиқ сузиш ҳавзаси, ювенил, кийим алмаштириш хоналари. Мураббийлар,

ҳакамлар, тиббиёт ходимлари учун алоҳида хоналар... — Бугун тадбиркорликка қўл ураётганларнинг аксарияти савдо шохобчалари, ошхона, чойхона қураётган пайтда сизнинг бундай спорт мажмуасини қуришининг боиси нимада? — сўраймиз Дилшоджондан. — Яхши ният қилган муродига етаркан, — дейди Дилшоджон. — Очиғи, мен курашчи полвонман. Ёшлигимизда мактабимизда ҳам, қишлоғимизда ҳам шароит йўқлигидан дала-қирда, кўча-қўйларда шугулланиб

(Давоми. Боши 1-бетда).

12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисда ҳамада Конституциянинг қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда...

МУЛОҚОТ, МУШОҲАДА ВА ФАОЛЛИК

Депутатлар билан сайловчиларнинг учрашувлари самимий руҳда ўтди.

Маърузалардан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳақида ҳам сайловчиларга гапириб берди. Юртбошимизнинг ушбу маърузалари мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеалар бўлгани учрашув жараёнида қайд этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, шубҳасиз, мамлакатимиз ислоҳ қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.

123-Насаф сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзо-

си Комила Каримова сайловчилар билан учрашувда мамлакатимизда сиёсий партияларга берилган ваколат ва имкониятлар, улар ўртасидаги соғлом рақобат ҳусусида фикр билдирди. — Парламентдаги вақилимиз билан учрашувларимиз доим қизикар-

доимий учрашув ва мулоқотлар аҳолининг қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, ўз ҳақ-хуқуқлари тўғрисидаги билим ва тушунчаларнинг бойишига хизмат қилади, — дейди. Фузур туманидаги "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нормўмин

ли ва самарали бўлган, — дейди сайловчилардан бири, Фузур туманидаги 54-мактаб директори Рисолат Эшқобилова. — Бу гаги мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йилда қабул қилинган 32 та қонун мазмун-моҳияти ҳусусида маълумотга эга бўлди. Мазкур ҳужжатлар орасида ёшларимиз тарбияси, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилувчи қонунларнинг мавжудлиги бизни, айниқса, қувонтирди. Зотан, ўсиб келаётган ёш авлод манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинishi, аввало, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. — Халқ вакиллари билан шу каби

Отамуродов. — Мисол учун, депутатимиз билан навбатдаги учрашувда пенсия қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумотга эга бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатида сайланган депутат Отабек Абдуғаниевнинг Бобўт туманининг Навбаҳо маҳалласида ўтказган учрашувида экологик қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ҳусусида сўз борди. Бунда, депутат, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи олдига ҳам бир қанча вазифалар турганлиги, айниқса, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлашда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятини янгилаш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ёзиб қўйилгандек, "шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди". Улар фаолият кўрсатиши учун тегишли база яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда "Маҳалла" республика давр газетасида ўтказилган давра суҳбати "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусига бағишланди.

Давра суҳбатда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари батамом шаклланди. Ҳозирги вақтда фуқаролик жамиятининг таянч демократик бўлиши сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ҳамда ваколатларини кучайтириш масалаларини ривожлантиришда устувор масалаларга айланди.

Фуқаролар ўзини ўзи

бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш масалалари" тизимини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусига бағишланди.

Давра суҳбати катнашчилари ўз қишлоқлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш масалалари ҳақида фикрларини ҳисобга олиш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Тўққиз мингдан ортиқ ишлаб турган, фаолиятда юз мингдан кўпроқ фаол катнашадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жалб этиш, маънавий-маърифий ишни кучайтириш, оила-ларда тинчлик-оқошчиликни сақлаш, ҳам таъминланган оилалар ва ногиронлар-

га моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини олиб бормоқдалар, шунингдек, фуқаролик институтига хос бир қатор бошқа тадбирларни ташкил этмоқдалар. Бу масъулиятли иш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатишда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши талаб қилмоқда.

Масалани муҳокама этиш асосида давра суҳбати катнашчилари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари янада такомиллаштириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ва уларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқариш органлари, адлия органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, "Маҳалла" республика жамағатиси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлигининг самардорлигини ошириш юзасидан

Шунингдек, у 16-17 ноябрь кунлари Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан ўтказилган "Марказий Осиёда трансгеографик экологик муаммолар ечимида халқроқ ҳуқуқий механизмларни қўллаш" мавзусидаги халқроқ конференцияда 30 дан зиёд давлатдан иштирок этган 110 га яқин халқроқ эксперт томонидан қабул қилинган Тошкент декларациясининг моҳияти ҳақида фикр билдирди, унинг трансгеографик сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва минтақадаги экологик муаммоларни бартараф этишда муҳим босқич эканлигига барчанинг эътиборини қаратди.

Мухтасар қилиб айтганда, сайловчиларимиз ушбу учрашувлар орқали мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан, қўллаб қўлланларнинг мазмун-моҳияти, шу билан бирга, профессионал парламент фаолиятдан хабардор бўлишди. Энг муҳими, улар юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватламоқда ва бунга ўзларининг нуфусабатларини билдирмоқдалар. Демак, уларда ижтимоий-сиёсий фаоллик мавжуд. Бу эса, мамлакатимиз тараққиётининг янада оқсалишида муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашга доир қисми Наманган вилоятида ижро этилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

жиҳозлари тўла-тўқис бўлишига эришиш лозим.

Мажлисида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим муассасалари, жамоат бирлашмаларининг маънави ва жисмонан баркамол, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган, миллий менталитетга ёт раътини таъбирлар ва оқимларга қарши кураша оладиган ёшларни тарбиялаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди. Бу юмушга илмий муассасалар, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари, илм-фан, маданият, спорт арбоблари ва журналистларининг фаолроқ жалб этиш таклифи ўртага ташланди.

Ватан мудофааси — шу муқаддас заминда яшовчи ҳар бир йигитнинг энг масъулиятли вазифаси. Хусусан, Конституциямизда ҳарбий хизматни ўташ мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси зиммасидаги шарафли бурч, дея алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳарбий хизмати "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чактури резервдаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларининг тартибга солинадиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари асосида амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қуролли кучлар тизимида ўтказилаётган, ҳарбий хизмат нуфузини оширишга ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, иқтидорли ёшлар маҳоратини ошириш ва камол топтириш сингари вазифалар алоҳида ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги Фармойиши асосида вилоятда ҳар йили "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш анъана тусига кирганлиги, айтиш мумкинки, бу борада яхши самара бермоқда.

Бўлажак аскарларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлик даражаси юқори савияда бўлиши лозимлигини эътиборга олиб, мажлисида, шунингдек, ҳарбий хизматга чакрилувчиларни доволлаш-профилактика ишларини янада яхшилаш, умумтаълим ва жисмоний тайёргарлик сифатини ошириш, уларнинг ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришини рағбатлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуман

Илгиллигида айтиб ўтилганидек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар, шунингдек, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12 — 17 моддаларида қўйилган талаблар Наманган вилоятида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бунинг ёшларни қуролли Кучлар сафидaги хизматга тайёрлаш, уларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин. Бунинг исботи сифатида биргина жорий ўқув йилининг ўзида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини олий ҳарбий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш, ҳарбий низомида, йўриқномалар, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув

тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, иқтидорли ёшлар маҳоратини ошириш ва камол топтириш сингари вазифалар алоҳида ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги Фармойиши асосида вилоятда ҳар йили "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш анъана тусига кирганлиги, айтиш мумкинки, бу борада яхши самара бермоқда.

Бўлажак аскарларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлик даражаси юқори савияда бўлиши лозимлигини эътиборга олиб, мажлисида, шунингдек, ҳарбий хизматга чакрилувчиларни доволлаш-профилактика ишларини янада яхшилаш, умумтаълим ва жисмоний тайёргарлик сифатини ошириш, уларнинг ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришини рағбатлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Айни пайтда қўшма мажлисида Қонун талабларини бажариш борасида Наманган вилоятида камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Хусусан, қақирувга қадар бошлангич тайёргарликнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини олий ҳарбий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш, ҳарбий низомида, йўриқномалар, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув

Айни пайтда қўшма мажлисида Қонун талабларини бажариш борасида Наманган вилоятида камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Хусусан, қақирувга қадар бошлангич тайёргарликнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини олий ҳарбий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш, ҳарбий низомида, йўриқномалар, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув

Куратори НАЖМИДИНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури" доирасида 322 нафар аёл ишбилмалар микрокредит ва микрозаемларни қўлга киритди. Тақдир этилган кредитларнинг умумий қиймати 2,195 млрд. сўмини ташкил этиш, бунинг натижасида 3000 дан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

"Ижтимоий соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари" хайрия акцияси илк марта ўтказилаётган бўлиб, қўша ва шамол энергияси асосида ишловчи модуль тизимларини ўрнатиш орқали фермер аёллар, хунармандлар ҳамда кичик ижтимоий объектлар (касалхоналар, қишлоқ врачлик пунктлари)ни муқобил, қайта ишланган энергия манбалари билан таъминлашга хизмат қилади.

Мана, уч йилдирки, мамлакатимизда "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси томонидан "Йил аёли" миллий танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда танловда иштирок этиш учун 28 703 нафар хотин-қиз ариза топширди. Бу йилги танловнинг фарқли жиҳати шундаки, унинг низомига "Оилавий қадриятлар посбони", "Муруват элчиси", "Миллий анъаналар давомчиси" ҳамда "Йилнинг бизнес кашфиёти" каби номинациялар киритилди.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Саида Мирзабахимова "Йил аёли — 2010" миллий танловининг голлиби деб топилди. Унга танловнинг бош соврини — "Матиз" автомашинаси топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидан концерт намойиш этилди.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда 250 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар ва катталарнинг турли кийим-кечақларига талаб ой сайин ортиб борапти. Ўтган қисқа давр ичида 144,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, харидорларга етказиб берилгани бунинг яққол исботидир.

Корхона жамоаси талаб ва эҳтиждан келиб чиқиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг янада кўпайтириш, унинг турларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирларини асло суяйтирилган йўқ. Ҳозирги пайтда ил йигиртиш, газлама бўяш цехларини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу қўшимча қувватлар ишга туширилгач, корхонада тизимли ишлаб

чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди, муҳими, 70 та янги иш ўрни очилди.

Дарҳақиқат, иқтисодийёт тармоқларида амалга оширилаётган техник ва технологик янгилашишлар жойларда ана шундай юксак самаралар бермоқдаки, буларнинг бари иқтисодиётимиз раванакнинг тамал тошидир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мустақиллик Дилшоджон каби элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган тадбиркор, ишбилармон одамларни кашф этди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоиров. — Битта фермернинг ўзидан ортиб, мана шундай мажмуа барпо қилиши, бу — кўпларга ибрат бўлгулик воқеа.

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва уллушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи"ни долзарб вазифа сифатида қўйганлар, қолаверса, келаётган 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳам беҳиз эмас. Президентимиз ибораси билан айтганда, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир..." Юртин обод қиладиганлар ана шулар — ўз манфаати ва ҳаловатидан кечиб, юрт учун, Ватан равнақи учун жон қойиётган Дилшоджонга ўхшаган фермерлар, тадбиркорлар. Шукрки, бугун мамлакатимизда, жумладан, тоғли Паркент туманида ҳам бундай фидойи инсонлар сафи кун сайин кўпайиб бормоқда.

— Бугун туманимизда 3 минг нафардан зиёд кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда, — дейди Паркент тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўли-

ми бошлиғи Абдурашид Шоамиров. — Улар томонидан жорий йилнинг ўзида 2862 та иш ўрни яратилди. Сўнгги уч йилда туманимизда 20 та катта-кичик сановат корхонаси ишга туширилди. 2008 йилда 8 миллиард сўмлик сановат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган

ларини нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимизда ҳам яхши билишадди.

Хусусий тадбиркорларимиздан Тоҳиддин Эргашев раҳбарлигидаги "Сарбон С" корхонасида табиий хом ашёлардан қурилиш материаллари, Шахло Қўчқорова боши-

ПАРКЕНТЛИК ТАДБИРКОРЛАР

тинимсиз изланишлар туфайли қувончли натижаларга эришмоқдалар

бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 26 миллиард сўмини ташкил этди. Бу сановат маҳсулотлари ҳажми 4 баробарга ошди, демакдир. Уч йил мобайнида тадбиркорларимиз томонидан туманимизга 5 миллион АҚШ долларига яқин чет эл инвестицияси киритилди. Туманимизда 2007 йилда 7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 30 миллион долларга етди. Бошқача айтганда, экспорт ҳажми 2,5 баробарга ўсди. Тумандаги "Берд-Ад" агрофирмаси мевани қуритиб, қадоқлаб, 100 фоиз хорижий давлатларга экспорт қилаётган бўлса, "Агромир-Заркент" агрофирмаси уч йил ичида 5,5 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришди. "Курувчи" хусусий корхонасида йилга 7 миллион донга фиш ишлаб чиқарилапти. Сўнгги икки йил ичида қишлоқларимизда ана шундай 8 та фиш ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Мевани қайта ишлайдиган "Бону голдинг", "Арпо Стил" қўшма корхоналаримиз маҳсулот-



лигидаги "Хуснора плюс юксалиш" корхонасида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Севара Раҳимова раҳбарлик қилаётган "Тоҳинсон Сардор Файз" масъулият чекланган жамиятида мева-сабзавот қайта ишланиб, қадоқланаётган бўлса, Салоҳиддин

Исомиддиновга қарашли "Орзу Паркент ким" хусусий корхонасида олтингургут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Паркентдан Янгибозорга кетаверишда катта йўлнинг шундоқ бўйига қурилган қўшқаватли ойнаванд бино ўз кўрк-салобати

корлар учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ана шу мажмуани тиклашимизда ҳам Миллий банкдан олган 300 миллион сўм кредитини сўл қўлга келди. Айни пайтда бу ерда 500 ўринли катта тўйхона, савдо дўконлари, нон, қандолат

цехлари аҳолига кечаю кундуз хизмат кўрсатапти. Эндиликда аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, келин-куввлар учун либослар салони, парда, мебель дўкони, ёшлар учун кафе қуришни ният қилиб турибмиз.

Мамлакатимизда Паркент узумлари, олмалари, нону наштавтилари таърифини эшитмаган одам тоғилмас керак. Паркент азалдан миришкор бобғону соҳибкорлар юрти. Жорий йилда паркентликлар эл дастурхонига 42 минг тоннадан зиёд узум, 30,3 минг тонна сабзавот, 7 минг тонна картошка, 12,8 минг тоннадан ортиқ турфа хил мева етказиб берган бўлса, келгуси йилда 18,2 минг тонна мева, 55,5 минг тонна узум, 63 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришни қўлаб туришибди. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўтаётган йилдагига нисбатан 135 — 200 фоиз ўсишидан далолат беради.

— Бу Юртбошимизнинг биз, бобғон-соҳибкорлар олдига бозорларимизни янада сероб қилиб,

халқимиз дастурхонини сифатли ва арзон ноз-неъмат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан қўйётган вазифаларига амалий жавобимиз бўлади, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўйича мутахассиси Фахриддин Рухиддинов. — Мазкур юксак кўрсаткичларга эса ердан, сувдан оқсатилган фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, боғ қатор ораларига такрорий экинлар экиш ҳисобига эришмоқчимиз. Эндиликда фермерларимиз ўз маҳсулотларини қайта ишлаб, хорижий давлатларга кичик тадоригини қўришапти.

Фермер Дилшод Абдуллоев томонидан қурилган спорт мажмуасининг тантанали очилиши ўзига хос бир байрамга айланиб кетди.

— Қурилиш ишларини давом эттирмоқчимиз, — дейди ўз режалари ҳақида ўртоқларидан Дилшоджон. — Эндиликда бу йилги даромадимиз ҳисобидан мажмуа ёнига футбол майдони, меҳмонхона, ошхона қуришни қўлаб турибмиз.

"Довонга чиққан чўққини қўзлайди", деб ана шунга айтиди-лар. Дилшод Абдуллоев сингари замонавий тадбиркорларни меҳнат, изланиш туфайли тоғли Паркент тумани қишлоқлари кун сайин гўзаллашиб, чирой очмоқда. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд қилидан афзалдир", деганларида Дилшоджон ва унга ўхшаган серғайрат, сўзида устувор, шахду шиддати банд инсонларни назарда тутган бўлса, не ажаб?!

Али ЗИЁДОВ.

Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси		СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ		ЦЕМЕНТ		УН БИРИНЧИ НАВ		ОМИХТА ЕМ	
сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг	сўм/кг
4400,0	1183,6	150,0	140,0	331,0	517,6	285,0	227,5	195,0	12,4
▲ +83,4	▲ +83,4	▲ +5,1	▲ +5,1	▼ -5,0	▼ -5,0	▲ +12,4	▲ +12,4		

Жорий йилнинг 9 ойлик якунлари мамлакатимиз иқтисодий барқарор ва мувозанатли ривожланишнинг, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминлаётганини кўрсатди. Бунинг замирида, албатта, 2010 йилда республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф эттиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини муваффақиятли амалга ошириш каби улкан вазифачилик ишлари мужассамдир.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам жаҳон иқтисодиёти чуқур молиявий инқирозни бошдан кечирмоқда. Бир неча йил муқаддам АҚШда бошланган бу инқироз миллий ва минтақавий ҳаракатлардан чиқиб, глобал тур олд. Дунёдаги деярли биронта мамлакат бу инқироздан четда қолмади. Айни шу ҳолат, биринчи гада, АҚШнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни билан изоҳланаётган бўлса, (жаҳон янги ички маҳсулотининг 25 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади), қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнида қорхоналар, халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мустақамлангани, глобал тамойиллар кучаяётгани, иқтисодиётнинг характери ўзгариётганини аниқлаш мумкин.

Инқироз давом этган паллада унинг барча оқибат ва сабаблари ҳақида гапириш қийин, албатта. Аммо бу жараённинг дастлабки сабаблари аён ва улар юзасидан мулоҳаза юритиш бу борадаги тушунчаларимизни кенгайтиришда қўл келар.

Авалло, инқирознинг чиқиб кетиш мuddатлари бўйича ҳанузгача яқдиллик йўқ. Нью-Йорк университетининг профессорси Нуриэль Рубини унинг «Иккинчи тўқтинчи» ҳақида оғохлантириб, яқин келажакда иқтисодий заифлигига қолади, Хитой ўсишининг ягона лоқомоти бўла олмайди, хали энг ёмони олдидан, деб башорат қилса, хитойликлар иқтисодиёт энди ўсишда давом этади, чунки уни пул билан тўйинтириш кучаяди, деб ҳисобламоқда. Европалик мутахассислар ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлаётган бўлса, россияликлар мамлакатнинг инқироздан чиқиши 2014 йилдан бошланади, деб ҳисобламоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам инқирозни бартараф эттиш қўсқа мuddатларда кечмаслигини кўрсатган эди.

Халқаро валюта фонди жорий йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари атғи 3,9 фоиз килдириб бўлишини башорат қилмоқда. Бу ўсиш АҚШда 2,7, Россияда 3,6 фоизи ташкил этади. Айни шу кўрсаткич 2009 йилдаги нисбатан 2 баробар юқори бўлса,

да, инқирозгача бўлган кўрсаткичлардан анча пастдир. Демак, яна бир неча йил инқироз давом этиши мумкин, ҳатто унинг чуқурлашув хавфи ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил Тошкентда бўлиб ўтган

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: ТАҲЛИЛЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

«Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самардорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табригида «Дунёнинг қўллаб-қувватлаётгани камраб олган молиявий-иқтисодий инқирознинг энг оғир даври ортада қолганига қарамай, жаҳон иқтисодиёти хали узоқ мuddатлар ва мураккаб тикланиш жараёнини бошдан кечиршини теран аниқлаш... иқтисодий рецессиянинг тақдорлиги хавфи хали-ҳаном сақланиб қолмоқда», деб таъкидлаган эди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон инқироз шариоатида ҳам юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб келаётган жаҳондаги ўн та мамлакатдан бири эканлиги диққатга сазовордир. 2010 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилгани, иқтисодиётнинг барча асосий тармоқларида ўсиш давом этаётгани шундан далолат беради.

Иккинчидан, дастлаб айрим кишилардан инқироз Ўзбекистонни четлаб ўтади, унинг таъсири бизгача етиб келмайди, деган кайфият йўқ эмас эди. Бундай кайфиятнинг зарарли оқибатлари ҳақида тўхталиб, давлатимиз раҳбари ўзининг инқирозга қарши чоралар ҳақидаги китобида, масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди, деб кўрсатган эди. 2009 йилда, масалан, мамлакатимизнинг ташқи савдоси ўсиши атғи 2,4

фоизни ташкил этди, холос. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2008 йилдан ундан олдинги йилдаги нисбатан 27,8 фоизга етган эди. Инқироз тўғрисида халқаро бозорда экспортбоқ маҳсулот ва хизматларга талаб пасайиб кетди. Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш,

бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлиги илгари сурилган эди. Бу қоида бозор муносабатлари асосида янги иқтисодиётни барпо этишда, глобал молиявий инқироз шариоатида ўзининг ҳаётийлигини намойн қилмоқда.

Шу ўринда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва вужудга келган вазиятдан чиқиб кетишда протекционистик тўсиқларни олиб ташлаш мумкин аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Гап шундаки, кўпгина давлатлар, ҳатто ривожланган

мамлакатлар ҳам ички бозорни муҳофазалаш мақсадида бу иқтисодий дастаққа зўр беришмоқдалар. Аммо инқироз шариоатида протекционизм говларини олиб ташлаш, ҳеч бўлмаганда, уни либераллаштириш орқалигина бу борада ижобий натижаларга эришиш мумкин. Президентимиз Ислам Каримов юқорида тилга олинган халқаро илмий-амалий анжуман қатнашчиларига йўллаган табригида протекционизм сибсати, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун инқироздан чиқишдаги жиддий гов бўлиб қолаётганлигини, дунёнинг етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлардаги декларатив баёнотларга қарамай, бундай сибсат тобора кенг қўлланаётганини таъкидлаган эди. Яқинда Японияда ўз иштини тамомлаган Осие-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги давлатлари саммитида ҳам бу сибсат қораланди.

Кўриниб турибдики, протекционизм сибсатига хали-бери барҳам берилмас экан, инқироздан чиқишдаги мўҳим йўналишлардан бири ички бозор имкониятларидан янада унумлироқ фойдаланишдир. Бунга ички талаб-эҳтиёжларнинг рафбатлантириш орқалигина эришиш мумкин. Хар бир мамлакатда катта ички имкониятлар, қорхона ва аҳоли маблағлари мавжуд. Ўтган йили 14 миллион донна автомобиль ишлаб чиқариб, бу борада дунёда биринчи ўринга чиқиб олган Хитой маҳсулотининг асариятини ўз мамлакатини ичкарида сотишга эришди. Аммо ички бозор

мамлакатлар ҳам ички бозорни муҳофазалаш мақсадида бу иқтисодий дастаққа зўр беришмоқдалар. Аммо инқироз шариоатида протекционизм говларини олиб ташлаш, ҳеч бўлмаганда, уни либераллаштириш орқалигина бу борада ижобий натижаларга эришиш мумкин. Президентимиз Ислам Каримов юқорида тилга олинган халқаро илмий-амалий анжуман қатнашчиларига йўллаган табригида протекционизм сибсати, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун инқироздан чиқишдаги жиддий гов бўлиб қолаётганлигини, дунёнинг етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлардаги декларатив баёнотларга қарамай, бундай сибсат тобора кенг қўлланаётганини таъкидлаган эди. Яқинда Японияда ўз иштини тамомлаган Осие-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги давлатлари саммитида ҳам бу сибсат қораланди.

Кўриниб турибдики, протекционизм сибсатига хали-бери барҳам берилмас экан, инқироздан чиқишдаги мўҳим йўналишлардан бири ички бозор имкониятларидан янада унумлироқ фойдаланишдир. Бунга ички талаб-эҳтиёжларнинг рафбатлантириш орқалигина эришиш мумкин. Хар бир мамлакатда катта ички имкониятлар, қорхона ва аҳоли маблағлари мавжуд. Ўтган йили 14 миллион донна автомобиль ишлаб чиқариб, бу борада дунёда биринчи ўринга чиқиб олган Хитой маҳсулотининг асариятини ўз мамлакатини ичкарида сотишга эришди. Аммо ички бозор

тўйинтирилгандан кейин-чи? Унда яна янги бозорларни ахтаришга тўғри келади, албатта.

Бу инқироздан чиқишнинг ҳаммабоқ универсал йўли йўқ эканлигини кўрсатади. Шу боис хар бир мамлакат ўзининг ички имконият ва шариоатларидан, табиий, илмий ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш чора ва йўллари ахтармоқда. Хусусан, АҚШ НАСА Ой дастурини вақтинча «музлатиш» орқали катта маблағларни тежашни назарда тутайтган бўлса, Россия омонат банклардаги давлат ҳиссасини 2 баробарга тушириш ва ундан бўшган акцияларни сотишни қўлламоқда. Пенсия ёшини, солиқларни ошириш каби ноаммабоқ йўллари тўтаётганлар ҳам бор. Ўзбекистон эса бундай шариоат дастурлари амалга оширилмоқда. Чўки иқтисодий ўсишнинг сирин битта: ривожланиш стратегияси «кувиб бориш»га эмас, балки «кувиб кетиш»га асосланган бўлади.

Дарҳақиқат, инқироз ўзининг чуқур асосларини қолдирмоқда. Булардан бири халқаро макрориктисодий барқарорлик, таркибий ўзгаришлар мувозанатга тўғрисидаги мувозанатга таъсиридир. Уларни тиклаш маълум вақт талаб қиладиган глобал юмушлардан ҳисобланади. Глобал макрориктисодий барқарорликка эса, қорхона ва аҳоли даромадларининг реал ўсишига эришиш, инқироз оқибатларини бартараф этиш орқалигина эришилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши ва, ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенати қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасида баён қилинган иқтисодиётни эркинлаштириш, жамият ҳаётининг барча жаҳаларини демократлаштириш келгуси тараққиётимизнинг кафолатидир.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойили орасида давлат

Диққат, танлов!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
- илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
- илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 4x6 см. ўлчамдаги 4 донна фотосурат;
- директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ижтимоий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Яққасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биноси. Телефонлар: (8-371) 239-41-12, 239-88-24.

«Rational Resurs»

SUV ISITISH QOZONLARI

маҳсулот сертификатланган

Тел.: (+998-97) 786-50-09. Факс: (8-370-95) 6-20-65.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

24 соат ичида

ЖАҲОН

Япониянинг «Honda» автомобил-биланлик компанияси дунё бозорларига чиқарган 1,35 миллион донна машинасини қайтаришни маълум қилди.

Компаниянинг навбатдаги «бош оғриғи»

Гап шундаки, «Jazz» русумидаги мазкур автоуловларнинг электр тизими ва олд чирқоқлари ишлашида камчилик борлиги аниқланган. Нусхонли машиналарнинг 735 минг донаси 2001 — 2007 йилларда Японияда тайёрланган ва, асосан, ички бозорда сотилган. Автомобиллардан 143 минг донаси АҚШ, 385 минг донаси эса Европа мамлакатларига жўнатилган. Қолгани Урта Шарқ, Африка ва Осиё давлатларидаги миксололар томонидан харид қилинган.

Ташқи савдо ўсмоқда

Жаҳон иқтисодиётининг аста-секинлик билан қайта тикланиши натижасида биз мамлакатларнинг ташқи савдосида жонланиш кузатишмоқда.

Бу борада Хитой дунёда етакчи бўлиши тахмин қилинмоқда. Экспертларнинг билдиришича, 2010 йил якунида мазкур давлатнинг ташқи савдо ҳажми 2,9 триллион АҚШ долларидан ошиши мумкин. Бундай хулосага жорий йилнинг январь — ноябрь ойлари мобайида мамлакатда бу борадаги кўрсаткич 2,677 триллион долларни ташкил қилгани асосий омил бўлмоқда. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 36,3 фоиз юқори натижадир.

Нефть қувурлари портлаш

Мексикадаги йирик нефть қувурларида портлаш юз берди.

Мамлакатнинг Пуэбла штатида содир бўлган мазкур кўнгилсизлик оқибатида 27 киши ҳаётдан қўз юмган, саксон нафардан ортиқ одам тан жароҳати олган. Шунингдек, 30 дан зиёд тураржой биносига зарар етган.

Тахминларга қўра, кўнгилсиз воқеа нефть қувурига жинотчилар томонидан етказилган шикаст сабабли юз берган. Яъни бир гуруҳ номаълум кимсалар нефтни ўғирлаш мақсадида уни тешиб, туйнук ҳосил қилишган. Тешиклардан нефть сизиб чиқиши охир-оқибат ноҳушиликка олиб келган.

Қўпорувчиликка қарши амалиёт

Буюк Британияда террорчиларга қарши кенг қамровли операция ўтказилди.

Мазкур амалиёт чоғида 12 киши гумондор сифатида ҳибсга олинди. Улар 17 — 28 ёш атрофида эканлиги айтилмоқда.

Хуқуқ-тартибот идораси вакилининг билдиришича, қамоққа олинганлар қабих ишларни режалаштириш ва уларни амалга ошириш жараёнида бошчилик қилганликда айбланишмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЧП Potolok-stroy-servis

ГИПСОВЫЕ СТАНДАРТНЫЕ ПОТОЛОЧНЫЕ ПЛИТЫ Армстронг

600 x 600 мм, 610 x 610 мм. Ассортимент 22 вида.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

Ташкилот ва қорхоналар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

«Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 5 ноябрдаги сонидан эълон қилинган мебель жиҳозларини харид қилиш бўйича тендер комиссиясининг 2010 йил 16 декабрда тасдиқлаган баённомасига асосан, тендер танловлари якунланганлигини маълум қилади.

Тендер савдоси қолиби — «Андижон қарлар УИЧ», захирадаги қолиб — «ОТАБЕК» МЧЖ деб топилди.

Қўшимча маълумотлар учун тендер комиссиясининг ишчи органига мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати, 100008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Телефонлар: (99871) 239-11-23, 239-47-49. Тел./факс: (99871) 239-11-39.

Setko System Integration. Security

У МАГАЗИН-САЛОН

COM

КОНФЕРЕНЦ-СИСТЕМЫ CREATOR

Товар сертифицирован Услуги лицензированы

Тел.: 238-99-99, 237-29-88, www.setko.uz

БИЛАСИЗМИ?

Палата аъзоси бўлиб, сиз:

- Ўзбекистон ва хорижий давлатларда турли йўналишлар бўйича имтиёзли шартларда таълим олиш имкониятига эгадирсиз;
- солиқ, божхона, хўжалик ҳуқуқи ва бошқа соҳалар бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигидан бепул маълумот оласиз;
- судларга даъво аризалари топширилганда, давлат божини тўлашдан озодсиз;
- ўз ишлаб чиқариш маҳсулотингизга штрих-код олиш учун хизматлар бўйича чегирмалардан фойдаланишингиз мумкин;
- Палата аъзолари меҳмонларини Тошкент шаҳрининг йирик меҳмонхоналарида жойлаштириш учун чегирмалар (50 фоизгача) олишга ҳаққидирсиз.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (+998 71) 239-18-42, 150-60-03. «Call-center» телефони: (+998 71) 150-60-06. «24 соат маслаҳат хизмати» телефони: (8-800) 120-04-04 (барча қўнғироқлар бепул). www.chamber.uz

SONATA *Ўз йўлингни танла!*

Drive your way

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

HYUNDAI Official Partner **www.hyundai.com.uz** Tel. (8-371) 250-11-11



